

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

105 **Фармацевтика ва тиббиёт фаолиятига лицензия беришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда фармацевтика ва тиббиёт фаолиятига лицензия бериш тартибини янада такомиллаштириш, шунингдек аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ фармацевтика фаолият-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

тини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия юридик ва жисмоний шахсларга 5 йил муддатга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда фармацевтика фаолиятига лицензия бериш тартиби тўғрисидаги янги низомни тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини содалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сон қарори 1-иловасининг 3 ва 4-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 7 апрель,
ПҚ–1319-сон